

МАКТАБ ҲУҚУҚ ТАЪЛИМИНИ ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ

Шаҳодат Тешабоева

Сурхондарё вилоят ХТҲҚТМОҲМ катта ўқитувчиси

shteshaboyeva74@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мақолада мактаб ҳуқуқ таълимини инновацион технологиялар асосида ривожлантиришнинг айрим масалалари ҳақида назарий фикрлар билдирилган, услугубий тавсиялар берилган. Ушбу фанни инновацион технологиялари орқали ўқитиш имкониятларини таҳлил қилинганд.

Калит сўзлар: ҳуқуқ таълими, инновацион технология, услугубий андоза, шахсга ёндашув, фаол усул, вазият муҳокамаси.

ABSTRACT

The article provides theoretical views on some issues of development of school law education on the basis of innovative technologies, provides methodological recommendations. The possibilities of teaching this subject through innovative technologies are analyzed.

Keywords: legal education, innovative technology, methodological model, personal approach, active method, situation discussion.

КИРИШ

Маълумки, мамлакатимизнинг ривожланиши ва ислоҳотларнинг муваффақияти кўп жиҳатдан халқимизнинг ҳуқуқий онги ҳамда ҳуқуқий маданият даражасига боғлиқ. Шахснинг сиёсий фаоллиги, унинг чинакам фуқаролик позицияси, демократик ислоҳотларга интилувчанлиги белгиланган мақсадларга тезроқ эришишнинг муҳим омилидир. Ҳуқуқий таълимнинг ривожланиб бориши ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий билим даражасини юксалишига хизмат қиласди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618 сонли Фармонида “... инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат билан муносабатни шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда

фуқароларнинг хуқуқий саводхонлик даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда[1].

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Хуқуқий таълим жараёнида инновацион технологиялардан фойдаланиш масаласи бўйича Е.А. Певцова [2], П.Д.Гаджиева[3] томонидан бир қатор тизимли ишлар қилинган бўлса-да, бироқ етарлича ўрганилмаган. Таълим усулларини таҳлил қилиш замонавий ёндашувни талаб этади.

Адабиётларнинг назарий-илмий таҳлили ва мактаб таълимининг амалдаги тизими таҳлили хуқуқий билимларни ўзлаштириш жараённи фаолллаштиришга кўмаклашувчи қуидаги омиллар мавжудлигини кўрсатди:

биринчидан, замонавий дарслик ва адабиётлар яратиш, машғулотларни назарий ва амалий жиҳатдан юқори савияда ўтказишга ўзининг салбий таъсирини кўрсатиши табиий;

учинчидан, хорижий хуқуқий адабиётларни давлат тилига таржима қилиш ва тарқатишнинг самарали тизимини ишлаб чиқиш ва фаолиятини йўлга қўйиш заруриатининг мавжудлиги;

учинчидан, хуқуқий фанлар бўйича электрон дарсликларни тайёрлаш масаласи долзарб аҳамият касб этиб, бундай дарсликларни профессионал даражада тайёрлаш ишларини жадаллаштириш ва истеъмолчиларга тарқатиш кўламини кенгайтириш талаби мавжудлиги;

тўртинчидан, ўқув адабиётларини тайёрлашда эса, уларни монографик тарзда ёзилаётганлиги, уларни тайёрлашда умумий ёндошувнинг мавжуд эмаслиги, дарсликларни ёзишга тегишли соҳа мутахассислари жалб этилмаётганлиги, ўқув адабиётларида талабанинг предмет материалларини мустакил ўрганишлари учун йўналтирилган замонавий инновацион ёндошувнинг камлиги;

бешинчидан, шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги замонда қонунларга киритилаётган сўнги ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини ўқув ва ўқув-методик ишланмаларга ўз вақтида киритиб бориш оқсаётганлиги, яъни назариянинг амалиётдан орқада қолиши, ўқитувчиларнинг аксарияти ўз касбига замонавий педагогик нуқтаи-назаридан ёндашишда сусткашликка йўл қўйилаётганлиги, машғулотларнинг назарий жиҳатига кўпроқ эътибор қаратилиши каби муаммолар мавжуд [4].

Шунга қарамасдан, кадрлар масаласига бевосита алоқадор бўлган айрим муаммолар мавжуд. Бизнинг фикримизча, бунинг асосий сабаблари қўйидагилардан иборат. Биринчидан, бугунги кунда умумтаълим мактабларида ҳуқуқ фани ўқитувчиларининг етишмаслиги. Бу эса баъзи ҳолларда умумтаълим мактабларида ҳуқуқ фани дарсларини тарих фани ўқитувчилари ўтишига сабаб бўлмоқда. Иккинчидан, ҳуқуқ фани ўқитувчиларининг малака оширишга кенг қамраб олинмаганлиги.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Ҳуқуқий таълим ўқув дастурлари мазмуни, уни ўқитиш методларини услубий таҳлил қилиш, мактаб ўқитувчиларининг инновацион педагогик фаолиятга тайёрлашнинг амалий асосларини ишлаб чиқиши.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилиши принципи ҳуқуқ таълими олдига бир қатор вазифаларни қўяди. Шу нуқтаи назардан баҳолагандা, таълимни, жумладан, ҳуқуқий таълимни инновацион технологиялар асосида ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга.

Интерфаол ўрганиш билиш фаолиятининг маҳсус шакли ҳисобланади. Бунда аниқ мақсадлар назарда тутилади. Мазкур жараёнда талабаларнинг интеллектуал қобилияти рўёбга чиқади, муаммони ҳал этиш учун қулай муҳит яратилади ва талабалар бир-бири билан ўзаро муносабатда фаоллашади. Натижада кўзланган мақсадга эришилади.

Инновацион технологиялар таълим жараёнида қўлланилганда ҳуқуқий билим, ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданият даражаси юқори бўлган талабалар билимини амалиётда қўллаш имконини беради. Бу нафакат таълимда, балки тарғибот орқали жамиятда ҳам ҳуқуқий маданиятни юксалишига хизмат қиласади. Таълим муассасаларида ҳуқуқий клиникани ташкил этиш орқали бунга эришиш мумкин.

Ҳуқуқий таълим технологияси аниқ бир мақсадга етиш учун олдиндан режалаштирилган, ўқув жараёни лойиҳалаштирилган ҳамда таълим жараёнининг метод ва воситалари мажмуасидир. Ҳуқуқ таълими технологиясининг замон талабларига мос равишда ўзгариб, янгиланиб боришини инновацион таълим технологияси деб аташ мумкин.

Таълим технологиялари ҳақида фикр юритишда дидактик жараён тузилмаси ҳақида тушунчага эга бўлиш керак. Педагогик, психологик ва услубий адабиётларда кўрсатилишича, дидактик жараён ўзаро бир-бири билан боғлиқ бўлган бир неча таркибларни ўз ичига олади: талаба, ўқитувчи (педагог); давлат буюртмасига мос келувчи таълимнинг мақсади, мазмуни; ўқитишининг ташкилий шакли; услубий жиҳатлари; талаба (талаба)нинг таълимий мотивацион ҳолати; талабанинг ўқув-билиш фаолияти ва уни ўқитувчи (педагог) томонидан бошқариш.

Шу асослада мактаб таълимида инсон ҳуқуқларини ўрганиш орқали ёшлар янги имкониятни кучайтирадилар ва ўзларини ҳурмат қилишининг янги усулини топадилар. Улар ўзларининг фикрларини ифода этишни ўрганадилар, ҳатто уларни машҳур қилмайдилар ва энг муҳими, ҳуқуқларни амалга ошириш биринчи навбатда бошқаларни ҳурмат қилишни англатади, бу эса муайян масъулиятга олиб келади.

Марие Денис Дуённинг келтирган маълумотларига кўра, мактаб ёшидаги болалар билан боғлиқ кўпинча инсон ҳуқуқларига жиддий таҳдид соладиган ҳодисалар содир бўлади. Вояга етгандан сўнг талabalар низоларни ҳал қилиш учун зўравонликка дуч келишлари мумкин. Кимки “кучли зарбалар” билан курашса, унинг иродаси мустаҳкамланади. Афсуски, ёшлар кўпинча сиёсий майдонда ёки оммавий ахборот воситаларида катталар томонидан яратилган ушбу моделни тақлид қилишга мойил бўлади [5].

Ёшларда ҳуқуқий саводхонликни ошириш учун қуйидаги ишларни йўлга қўйиш зарурый эҳтиёжdir:

Биринчидан, ёшлар таълимнинг турли соҳаларида иштирок этишлари билан ўзларининг билим даражаларини ошириб боришади. Улар турли фан соҳаларидағи билимлар билан бирга ҳуқуқий билимлар берадиган фанлардан ҳам хабардор бўлиб боради. Ўқув муассасаларида берилаётган билимлар мамлакатимиз ёшларининг ҳуқуқий маданиятининг ўсишида муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий билимларни ўрганувчиларнинг сони йилдан-йилга ошиб боргани сари, мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданияти даражаси ҳам шунчалик юкори бўлиб бораяпти.

Иккинчидан, ҳуқуқий саводхонлик ёшлар жамиятнинг ҳуқуқий ва сиёсий ҳаётида бевосита иштирок этишидир. Ҳар бир ўқувчи ҳуқуқий муносабатлар, ҳуқуқий мавзуларда бўладиган сухбатлар, йигилишлар, тадбирларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдиради. Бундай мулоқот ва муносабатлар шахс онгига

таъсир этиб, хуқуқий маданиятнинг шаклланиши учун қулай шарт-шароитни вужудга келтиради.

Учинчидан, ёшларда хуқуқий таълим беришда уларнинг бўлғуси мутахассислигини эътиборга олиш лозим. Уларга умумий хуқуқий билимларни бериш билан бирга, имконият даражасида ўз мутахассислигига тааллуқли бўлган хуқуқий билимларни бериш керак.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Иzlанишларимиз натижасида, инновацион таълим шароитида хуқуқий таълим назарияси ва методикаси такомиллаштирилди, ўқитишининг шакл, усул ва воситалари ишлаб чиқилди. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, хуқуқий билимларни пухта эгаллаш талабаларда хуқуқ ва эркинликларни бузмасдан амалга ошириш қобилиятини ҳамда ўз билимларини амалда қўллаш қобилиятини ривожлантиради.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда хуқуқий онг ва хуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-5618 сонли Фармони.
2. Певцова Е. А. Актуальные вопросы методики преподавания юриспруденции: учебное пособие.— Москва: Издательство Международного юридического института, 2010. С. 101-102.
3. Гаджиева П.Д. Интерактивные методы в правовом образовании учащихся. Специальность 13.00.01 - Общая педагогика, история педагогики и образования. Автореферат. Махачкала – 2005.
4. Азизов А. А., Акиншина Н.Г., Нишонов Б. Э. Барқарор тараққиёт таълими (ўкув услубий қўлланма) Т.;UNESCO.2007. 142 б.
5. Турсунов Ф. Санъат ва маданият муассасаларида хуқуқ таълимини инновацион технологиялар асосида ривожлантириш. ЎзДСМИ хабарлари — 2019/3(11).